

THE ROLE OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF ACADEMIC MOBILE STUDENTS

Qoraev Samaridin Barakaevich

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discusses the principles of improving the system of independent learning, the opportunities of students in the trajectory of independent learning and the problems that need to be addressed in the organization of independent learning.

Keywords: independent learning, mobility, student, assessment, style, skill, technology, activity, problem.

ТАЛАБАЛАР АКАДЕМИК МОБИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Қораев Самаридин Баракаевич

Чирчик давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақил таълим тизмини такомиллаштириш тамойиллари, талабаларнинг мустақил таълим траекториясидаги имкониятлари ва мустақил таълимни ташкил этишида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: мустақил таълим, мобиллик, талаба, баҳолаш, услугуб, маҳорат, технология, фаолият, муаммо.

РОЛЬ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ АКАДЕМИЧЕСКОЙ МОБИЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются принципы совершенствования системы самостоятельного обучения, возможности обучающихся в траектории самостоятельного обучения и проблемы, которые необходимо решить при организации самостоятельного обучения.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, мобильность, студент, оценивание, стиль, умение, технология, деятельность, проблема.

Бугунги кун таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар талабаларда мустақил таълим кўнималарини ривожлантиришга ундамоқда. Мустақил таълим талабанинг турли фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. Матнли ахборотни намоён этувчи мустақил таълимдан комплекс ахборотларга (матнли, графики, аудиовизуал) эга бўлишни таъминловчи мустақил таълимга ўтилмоқда. Янги ахборот воситалари илмий, таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий соҳалардаги мустақил таълим жараёнини фаоллаштируммоқда. Мустақил таълимнинг ривожланиши ўқув-билиш компетенцияларига

эга бўлишнинг асосий механизмларидан бири. Шу боис ўқув технологияларини таълим жараёнига жорий этиш зарурати тақозо этилмоқда.

Мустақил таълимни педагогик технологиялар асосида ташкил этишда бир неча тамойилга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақил таълимнинг биринчи тамойили таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва амалга оширишдаги тизимлик. Бунда маъмурий, педагогик ва таълим олиш субъектларини ўз ичига олувчи мустақил таълим бошқарувига тизимли ёндашиш зарур. Маъмурий бошқарув: мустақил таълимнинг ташкилий, моддий-техник ва ахборот таъминоти; педагогик бошқарув: консультациялар, назорат ва мустақил таълим сифатини баҳолаш; таълим олиш субъектлари бошқаруви: мустақил таълимни ташкил этиш шакллари билан боғлиқ.

Мустақил таълимнинг иккинчи тамойили талабаларни мустақил таълимда рафбатлантириш. У талабада мустақил таълимга нисбатан касбий ва малакавий қизиқишларни уйғотади.

Мустақил таълим дидактикаси учинчи тамойил бўлиб, ўқишининг мақсади, мазмуни, қоида ва услубларини белгилайди. Талабаларда ноанъанавий масалаларни ҳал этиш асосида ётувчи билимларни шакллантиради ва ижодий фаолият учун замин яратади.

Мустақил таълимнинг тўртинчи тамойили эгалланган билим ва қўнималарни тизимли назорат этиш ва баҳолаш. Тизимли назорат, муаммоларни олдиндан кўриш ва ҳал этишдаги тескари алоқа. Бу талабаларнинг эришган ютуқларини баҳолаш, ўқишининг паст натижалари сабабларини аниқлаш; камчиликларни бартараф этишга мўлжалланган [1]. Талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантиришда уларнинг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратилган ташкилотчилик фаолиятлари ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги муҳим вазифаларни бажариши лозим: мустақил таълим жараёнини лойиҳалаш, натижаларни башорат қилиш, муаммоларни ҳал этиш, техника ва технология соҳасидага ўзгаришлардан хабардор бўлиш, билими, ижодий қобилияти, ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантириш. Талабалар мустақил таълим даврида мазкур вазифаларни амалга оширишда педагогика, педагогик маҳорат, педагогик технологиялар, психология фанлари бўйича олган билимларини амалиётда қўллаши орқали касбий фаолиятга тайёр эканликларини намоён эта олиш имкониятига эга бўладилар [2, 3].

Талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Бироқ ҳозирги вақтда ўқув-тарбия жараёнида талабаларда мустақил таълим олиш қўнимка ва малакаларини шакллантириш масаласига долзарб педагогик муаммо сифатида қаралмайди, мустақил таълим мазмунини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишига замонавий нуқтаи назардан ёндашилмайди, унинг самарали метод, шакл ҳамда воситаларидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмайди.

Бу талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, амалга ошириш, назорат қилиш борасида қатор педагогик муаммолар мавжудлигини билдиради. Мазкур масалаларни илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, бошланғич таълим жараёнида талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва мустақил таълим олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш зарур. Энг аввало қуйидаги масалаларга танқидий ёндашиш лозим: биринчидан, талабаларнинг мустақил ишини

ташкил этиш эҳтиёжининг назарий таълим билан узвийлиги; иккинчидан, таълим жараёнида мустақил ишни ташкил этишга оид муаммоларнинг тизимли тадқиқ этилмаганлиги; учинчидан, ўқитиладиган фанлардан талабалар мустақил ишини ташкил этишнинг илмий-методик жиҳатдан асосланмаганлиги; тўртинчидан, фанлардан талабалар мустақил ишини ташкил этиш юзасидан амалий-методик тавсия ва хуносаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Бу борада ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжуд:

- таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш орқали талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантириш мазмуни уларнинг йўналиши билан боғлиқ бўлган хусусиятларни бугунги кун талаблари асосида қамраб олмаганлиги;
- мазкур мазмунни белгилаб берувчи қўлланма ва дастурларнинг деярли йўқлиги;
- талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантириш жараёнига маҳсус педагогик ҳамда амалий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг жалб этилмаганлиги;
- талабаларда академик мобиллик, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантиришга нисбатан қизиқиш талаб даражасида шаклланмаганлиги, уларда мустақил фаолликнинг ривожланмаганлиги; таълим муассасалари ўртасида интеграциянинг йўқлиги;
- мустақил таълим жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш ва амалиёт билан боғланишига юзаки қарашлик;
- билим беришда талабаларнинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибалари етарлича хисобга олинмаслиги;
- талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантириш воситалари ва бошқа материаллардан самарасиз фойдаланиш, иш услубларини нотўғри танлаш;
- талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материаллари мазмунига етарлича эътибор бермаслик, мавзудан чекиниш ҳолатлари, олинган назарий билимлардан амалиётда фойдалана олмаслик;
- мустақил таълимни ташкил этиш орқали талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ҳамда мустақил фикрлашини ривожлантириш муаммоларига оид тадқиқотларни кучайтириш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига қўллаш сустлиги;
- талабалар муаммоларини мустақил еча олиш тажрибасига асосланган қўнималарга етарли даражада эга эмаслиги, бу фаолиятни шакллантиришга оид машғулот асосан таништирув характеристига эга эканлиги, кўпинча битирувчилар ишлаб чиқаришни яхши билмаслиги ҳамда ўз касбий фаолиятини такомиллаштириш, замонавийлаштиришга астойдил қизиқишни намоён қилмаслиги;
- мустақил таълимни ташкил этишда таълим йўналишлари ўртасида қиёсий таҳлил келтирилмаганлиги, замонавий таълим талаблари эътиборга олинмаганлиги;

- янги қонунлар, меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдаланиш ҳолати кўрсатилмаганлиги, ҳар бир мустақил таълим машғулотидан кейин қисқача хулоса, муаммоли савол ва топшириқлар берилмаганлиги;
- мазкур жараёнга қандай ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш, веб-сайтлардан фойдаланишга тавсиялар келтирилмаганлиги ҳамда республиканинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларини ифодаловчи расмий статистик маълумотлардан фойдаланилмаганлиги;
- фанлараро узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя этилишига кам эътибор қаратилганлиги, илм, фан, техника ва технологияларнинг сўнгти ютуқларидан фойдаланилмаганлиги.

Шундай қилиб, мустақил таълимни ташкил этиш орқали талабаларнинг академик мобиллиги, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятларини ривожлантиришдан кўзланган мақсадни аниқ қўймасдан туриб кўзланган натижага эришиш, аниқ мақсадсиз эса белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва амалий натижага эришиш мумкин эмас. Мақсад қандай қўйилса натижа ҳам шундай бўлади. Педагог ўз олдига аниқ якуний мақсадни қўйсагина, у унга эришиш йўлларини излайди. Мақсадни қўйишда эҳтиёж ва муаммоларни таҳлил қилиш, мақсадни муҳим муаммоларга қаратиш, жиддий ва аниқ мақсадларни қўйиш, мақсадларни унга эришилганликни аниқлаш йўлида шакллантириш, мотивация уйғотувчи мақсадларни қўйиш, ҳар бир кўзланган мақсаднинг дастур мақсадига мос келишини таъминлаш талабларига амал қилиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алексеев В.Е. Педагогические основы обучения техническому творчеству учащихся средних профтехучилищ: Автореф. дис... докт. пед. наук. – Т.: 1990. - 40 с.
2. Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий методик асослари: Дис... пед.фан.ном. -Тошкент: ТДПУ, 2008.-160 б.
3. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари// Халқ таълими. -Тошкент, 2002. -№5. -Б. 51-54.